(?-1918-йиллар)
(1910-1918)

Хива хони. Кўнгиротлардан. 1910-йил отаси Мухаммад Рахимхон ИИ вафотидан сўнг рус подшо хукуматининг ёрдами билан тахтга чикди. 1910, 1914-йилларда Петербургда бўлди. Асфандиёрхон даврида маърифатпарвар вазир Исломхўжа ташаббуси билан Вхива ва бошка шахарларда почта-телеграф, касалхона, икки мадраса ва янги типдаги мактаблар, хатто рус мактаблари курилди. Асфандиёрхон Исломхўжани хазинадаги маблагни бехуда совуришда айблаб катл этди (1913-йил), бутун ерларни кайта ўлчатиб, мехнаткаш халкка огир соликлар солди. Унинг зулмига карши 1915-йил Мангитда, 1916-йил январда Хўжайлида халк чикикшлари бўлиб ўтди. 1905-1907-йилларда ташкил топган “Ёш хиваликлар” ташкилоти 1917-йил феврал инкилобидан сўнг ошкора иш бошлади. Бу ташкилот 1917-йил 5-апрелда хонни буржуа ислохоти ўтказиш хакидаги манифестга кўл кўйишга мажбур этд.
Шу тарика хон бошлик конститутсион монархия тузилди. Давлатни идора этувчи “Идораи машварат” ташкил топди. Лекин ислохот мехнаткашлар ахволини яхшиламади. Асфандиёрхон кўп ўтмай “Идораи машварат”ни таркатиб, яна мустабид хокимият ўрнатди. Асфандиёрхон 1918-йил 22-январда юкори мартабали амалдорлар ва дин ахллари иштирокида давлатни бирга бошкариш хамда болшевикларга карши курашиш учун Жунаидхон билан Хивада музокара олиб борди. Натижада Асфандиёрхон Жунаидхонни кўшин бошлиги (сардори карим) этиб тайинланиб, хокимиятни унга топширди. Орадан кўп ўтмай, Жунаидхон хокимиятни бутунлай кўлга олиш учун Асфандиёрхонни яширин равишда ўлдиртирди. Жунаидхон тахтга ўз таъсиридаги Сайид Абдуллахонни ўтказди.